

# **ИҚТІСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КОРХОНА ФАОЛИЯТИДАГИ МОЛИЯВИЙ ТАВАККАЛЧИЛИК ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Шанасирова Нодира Абдуллаевна**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти,

Сув хўжалигини ташкил етиш ва бошқариш факултети менежмент кафедраси катта  
ўқитувчиси, 100000, Кари Ниёзий, 39 ўй, Тошкент, Ўзбекистон. Електрон почта:

[nodirashanasyrova@gmail.com](mailto:nodirashanasyrova@gmail.com) +998903285546

**Хамраева Шахноза Ильхом қизи**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти,

Сув хўжалигини ташкил етиш ва бошқариш факултети, Менежмент кафедраси стажёр  
ўқитувчиси, 100000 ст. Кари Ниёзова, 39 ёш, Тошкент, Ўзбекистон. Електрон почта:

[hamrayevashahnoza@gmail.com](mailto:hamrayevashahnoza@gmail.com) +998935371129

**Аннотация:** Мақолада корхона фаолиятидаги молиявий таваккалчиллик ва уларни  
бошқарши ўйлари ёритиб берилган бўлиб, унда молиявий таваккалчиллик, молиявий  
таваккалчилликнинг турлари ва хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, молиявий  
таваккалчилликни бошқаришда энг аввало юзага келиши мумкин бўлган муаммолари  
аниқланган, улар таҳлил этилган. Кейинги босқичда унинг олдини олии, кўрилиши мумкин  
бўлган заарларни пасайтириши ёки сугурталаши тадбирлари ишлаб чиқилган ва уни  
бошқарши усуллари танланган. Охирги босқичда эса кўрилган заарларни қоплаши,  
оқибатларини таҳлил этиши ва бартараф қилиши чоралари бўйича хулоса ва таклифлар  
берилган.

**Таянч сўзлар:** молиявий таваккалчиллик, паст рентабеллик, молиявий кўмак,  
таваккалчилликни бошқарши, таваккалчиллик даражаси, даромад олии.

## **ФИНАНСОВЫЕ РИСКИ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ И СПОСОБЫ УПРАВЛЕНИЯ ИМИ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ И ДИВЕРСИФИКАЦИИ ЭКОНОМИКИ**

**Аннотация:** В статье описаны финансовые риски предприятия и способы  
управления ими, финансовый риск, виды и характеристики финансового риска. Также,  
определяется и анализируется потенциальные проблемы в управлении финансовыми  
рисками. На следующем этапе были разработаны меры по предотвращению, снижению  
или страхованию от возможных потерь и выбраны методы их управления. На  
завершающем этапе сделаны выводы и рекомендации по мерам компенсации ущерба,  
анализа последствий и их устранения.

**Ключевые слова:** финансовый риск, низкая доходность, финансовая помощь, риск-  
менеджмент, уровень риска, прибыльность.

## **FINANCIAL RISKS AND MANAGEMENT IN ENTERPRISES IN THE CONTEXT OF MODERNIZATION AND DIVERSIFICATION OF THE ECONOMY**

**Annotation:** The article describes the financial risks of the enterprise and ways to  
manage them, the financial risk, the types and characteristics of financial risk. It also identifies  
and analyzes potential problems in financial risk management. At the next stage, measures to  
prevent, reduce or insure against possible losses were developed and methods of its management

were selected. At the final stage, conclusions and recommendations were made on measures to compensate for the damage, analyze the consequences and eliminate them.

**Keywords:** financial risk, low profitability, financial assistance, risk management, risk level, profitability.

## Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларига қўйиладиган талаблардан бири корхона ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурсларини самарали бошқаришни ташкил этиш хисобланади. Ҳозирги даврида ишлаб чиқариш корхоналари рентабеллигини ошириш, паст рентабеллик корхоналарни соғломлаштириш, уларга молиявий кўмак бериш каби асосий вазифалар устивор йўналиш сифатида қаралмоқда. Корхоналар фойдасини, молиявий моддий ресурсларини хўжаликни ўзи тасарруф этиш шахсий манфаатдорлик ва ташаббускорлик тамойиллари асосида ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш миллий иқтисодиётимизнинг тамойилига айланди.

Шундай экан, молиявий таваккалчиликни ҳисобга олиш ва баҳолаш бошқарув амалиётининг муҳим таркибий қисми сифатида аҳамият касб этади. Аксарият бошқарув қарорларининг таваккалчилик шароитида қабул қилиниши тўлиқ ахборотларнинг мавжуд эмаслиги, ўзаро қарама-қарши ғоялар, эҳтимоллик элементлари ва бошқа шу каби кўплаб омилларга боғлиқ бўлади.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятини эса таваккалчиликсиз тасаввур этиш иқтисодий саводсизликнинг бир кўриниши бўлади деб ўйлаймиз. Умумжаҳон амалиётида қабул қилинган тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик хужжатларида тадбиркорликка мулкий масъулият ва ўзининг таваккалчилиги билан амалга оширилувчи, даромад олишга йўналтирилган фуқаролар ва улар гурухларининг мустақил, ташаббускор фаолиятидеб таъриф берилади.

Муаммолар ечимининг турли йўлларини топиш, танлаш ва ўзгартириш фақат муқобил варианtlар мавжудлигидагина мумкин бўлади. Шу сабаб тадбиркорликнинг зарурий шарти изланишда ва турли-туманлик ҳолатида иқтисодий фаолиятнинг усулларини танлаш эркинлигига намоён бўлади. Бизнесни таваккалчиликсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳозирги шароитида яшаб қолиш учун техникавий янгиланиш, дадиллик ва жўшқин ҳаракатга таянилади, бу эса ўз навбатида таваккалчиликни кучайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан тасдиқланган Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳам “иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштироқини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқенини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, худудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иктисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишга қаратилгандир” – деб таъкидлаб ўтди.<sup>1</sup>

Демак, бундан тадбиркор таваккалчиликдан қочмаслиги, балки унинг даражасини баҳолай билиши ва таваккалчиликни пасайтириш мақсадида уни бошқара билиши лозимлиги долзарб масалалардан ҳисобланади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони

## **Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили**

Проф. Зайнутдинов “Таваккалчиликхни бошқариш” номли ўкув қўлланмасида “Хар қандай хўжалик фаолиятида хамма вакт хўжалик операцияларининг у ёки бу хусусияти оқибатида пул маблағларини йўқотиш хавф хатар мавжуд бўлади. Ана шу хавф-хатар молиявий таваккалчиликни ташкил этади”<sup>2</sup>.-деб айтиб ўтган.


Молиявий таваккалчилик - бу тижорат таваккалчилигидир.

Молиявий таваккалчиликнинг хусусияти шундаки; у молиявий кредит ва биржа соҳаларида ўтказилган қандайдир операциялар, қимматли қоғозлар биржасидаги операциялар натижасида кўрилиши мумкин бўлган заар эҳтимолидир. Молиявий таваккалчиликка: кредит, фоиз, валюта хамда бой берилган молиявий фойда таваккалчиликлари киради.

Мамлакатимиз ва хорижда тўплangan тажрибалар тадбиркорлик фаолиятини таваккалчиликсиз амалга ошириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган инсонларнинг ҳаёти умид ва тушкунлик, тинимсиз меҳнат ва хавотирларга тўла бўлади.

Таваккалчиликни оқилона бошқариш субъектнинг узоқ муддатли истиқболда муваффақиятга эришиш имкониятини оширади, унинг молиявий ҳолатининг ёмонлашиш хавфини бир мунча бўлсада камайтиради.

Тадбиркор учун пайдо бўладиган таваккалчиликни тахминий билиш зарурдир, лекин бунинг ўзи етарли эмас. Мухими, таваккалчиликнинг аниқ тури корхона фаолиятига қандай таъсир кўрсатаётганлиги ва қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини аниқлаб, уни тўғри баҳолай билиш ва шундан сўнг субъектининг иқтисодий самарадорлигига таъсирини ҳисоблаб топишдир. Таваккалчиликни бошқариш бир-бирини тўлдириб борувчи бир нечта босқичлардан иборат бўлади. (1-расм).



**1-расм. Корхона фаолиятида молиявий таваккалчиликни бошқариш жараёни**

Молиявий таваккалчиликни бошқаришда энг аввало юзага келиши мумкин бўлган унинг турлари аниқланади, улар таҳлил этилади ва заарнинг кутиладиган даражаси ҳисобланади. Кейинги босқичда унинг олдини олиш, кўрилиши мумкин бўлган заарларни пасайтириш ёки суғурталаш тадбирлари ишлаб чиқилади ва уни бошқариш

<sup>2</sup>Zaynudinov Sh.N. va boshqalar «Tavakkalchilikni boshqarish» O'quv qo'llanma. T.TDIU. 2005 yil. 38 b

усуллари танланади. Охирги босқичда эса кўрилган заарларни қоплаш, оқибатларини таҳлил этиш ва бартараф қилиш чоралари кўрилади.

Умуман олганда, таваккалчиликни бошқариш тадбиркорга ресурслардан янада оқилона фойдаланиш, жавобгарликни тақсимлаш, фирма фаолиятининг натижаларини яхшилаш ва таваккалчиликнинг таъсиридан хавфсизлигини таъминлаш имконини яратилади.

### **Таҳлил ва натижа.**

Шундай килиб молиявий таваккалчилик иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ қарорларда жуда катта рол ўйнайди. Таваккалчилик элементларини кўп эканлиги, уларни миқдорий баҳолашни мураккаблиги кейинчалик иқтисодий фан, хамда хуқуқ соҳаларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш заруратини туғдиради. Бундай тадқиқотларнинг энг қулаги усули тажрибага асосланган маълумотларни йиғиши, қабул қилинган қарорларни асословчи дастлабки ҳисоб-китобларни хамда хақиқатда эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва бу соҳада тўпланган тажрибаларни мунтазам равища умумлаштириб боришдан иборат.

Молиявий таваккалчиликни бошқаришда энг аввало юзага келиши мумкин бўлган унинг турлари аниқланади, улар таҳлил этилади ва заарнинг кутиладиган даражаси ҳисобланади. Кейинги босқичда унинг олдини олиш, кўрилиши мумкин бўлган заарларни пасайтириш ёки суғурталаш тадбирлари ишлаб чиқилади ва уни бошқариш усувлари танланади. Охирги босқичда эса кўрилган заарларни қоплаш, оқибатларини таҳлил этиш ва бартараф қилиш чоралари кўрилади. Умуман олганда, таваккалчиликни бошқариш тадбиркорга ресурслардан янада оқилона фойдаланиш, жавобгарликни тақсимлаш, фирма фаолиятининг натижаларини яхшилаш ва таваккалчиликнинг таъсиридан хавфсизлигини таъминлаш имконини яратилади.

Молиявий таваккалчилиқдаги хавф даражасини аниқлаш, уни олдини олиш йўлларини излаб топиш ва унинг оқибатида юз бериши мумкин бўлган заарларни пасайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга оид фаолиятни таваккалчиликни бошқариш тизими деб аталади.

Таваккалчиликни баҳолаш – таваккалчилик даражасини миқдорий ёки сифат ўлчамлари билан аниқлашдир.

Таваккалчиликнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган, жиддий зарар туғдирадиган ва ўта хавфли даражалари мавжуд бўлади.

Таваккалчиликни камайтиришда тадбиркор унинг таъсирини ўзига олиши, тақсимлаши ёки бошқаларга ўтказиши мумкин. Таваккалчиликни ўзига олиш қўйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

1. Олдиндан режалаштирилган ҳолда заарларни қопловчи маҳсус захира жамғармаларини яратиш.

2. Режалаштирилмаган таваккалчиликдан кўрилган заарларни фойда ёки активлар ҳисобидан қоплаш.

Тадбиркорлик таваккалчилигини пасайтиришнинг яна бир усули – таваккалчиликни тақсимлаш ёки бирлаштириш йўли билан йўқотишларни қисқартириш ҳисобланади. Таваккалчиликни тақсимлаш, одатда, корхонанинг активларини тақсимлаш йўли билан амалга оширилади. Таваккалчиликни бирлаштириш икки ёки ундан ортиқ корхоналарнинг қўшилиши натижасида содир бўлади ва бунинг натижасида янги ташкил топган корхона дастлабкиларига қараганда кўп активга эга бўлади.

Таваккалчиликни бошқаларга ўтказиш ёки таваккалчилик трансферти – тадбиркорлик таваккалчилигини камайтиришнинг яна бир усули ҳисобланади.

Корхона фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликни ўтказишнинг энг самарали усувларидан бири – суғуртадир. Суғурталашда корхонанинг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий фаолияти ёки табиий омиллар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган хатарлар таваккалчилиги маълум ҳақ тўлаш эвазига, шартнома асосида суғурта компанияси зиммасига ўтказилади.

Тадбиркорлик таваккалчилигини ҳал қилиш жараёнида тадбиркор олдида мавжуд усуллардан бирини, яъни талабга жавоб берадиганини танлаш масаласи кўндаланг туради. Бунинг учун тадбиркор барча ҳолатларни таҳлил қилиб чиқиши керак. Таваккалчиликнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган, жиддий зарар туғдирадиган ва ўта хавфлидаражалари мавжуд бўлади. Йўл қўйилиши мумкин бўлган молиявий таваккалчилик даражасида кўрилган заарларнинг миқдори субъектнинг ҳақиқатда эришган соф фойдаси миқдоридан ошиб кетмагани маъқул.

Заарнинг миқдори ≤ Соф фойда (1)<sup>3</sup>

Жиддий зарар туғдирадиган молиявий таваккалчилик даражасида кўрилган заарларнинг миқдори субъектнинг соф фойдасидан юқори, аммо, жорий ликвидликни таъминлайдиган активларининг қийматидан ошиб кетмаслиги лозим.

Соф фойда < Заарнинг миқдори ≤ Жорий ликвидли активлар (2)

Ўта хавфли таваккалчилик даражасида кўрилган заарлар субъектнинг жорий ликвидлигини таъминлайдиган активларининг қийматидан ошиб, хусусий капиталига тенглашиши ҳам мумкин. Ўта хавфли таваккалчилик оқибатида корхонанинг банкротликка учраш эҳтимоли вужудга келади.

Жорий ликвидли активлар < Заарнинг миқдори ≤ Хусусий капитал (3)

Кўрилган заарнинг миқдори корхонанинг хусусий капиталидан ортиб кетганда (Заарнинг миқдори > Хусусий капитал) корхона тўловга қобиллигини йўқотади ва сўзсиз банкрот деб эълон қилинади.

Таваккалчиликни баҳолашда коэффицентлардан фойдаланиш мумкин. Соф фойдага, жорий ликвидли маблағларга ва хусусий капиталга нисбатан таваккалчилик коэффицентларини ҳисоблаш мумкин:

$$K_{cf} = \frac{3M}{C\Phi}, \quad K_{jclm} = \frac{3M}{JCLM}, \quad K_{xk} = \frac{3M}{XK} \quad (4)$$

Бу ерда,

$K_{cf}$ ,  $K_{jclm}$ ,  $K_{xk}$  – соф фойдага, жорий ликвидли маблағларга ва хусусий капиталга нисбатан таваккалчилик коэффицентлари;dir;

$3M$  – кўрилган заарнинг миқдори, сўм;

$C\Phi$  – субъектнинг соф фойдаси, сўм;

$JCLM$  – корхонанинг жорий ликвидли маблағлари, сўм;

$XK$  – корхонанинг хусусий капитали, сўм.

Молиявий таваккалчилик коэффицентларин ҳисоблашда қўйидаги ҳолатларга эътиборни қаратиш керак. Агар соф фойдага нисбатан ҳисобланган таваккалчилик коэффиценти бирдан ортиб кетса, кўрилган зарар йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан ортиб, жиддий зарар туғдирадига нтаваккалчиликка айланганини билдиради ва зарар миқдорини корхонанинг жорий ликвидли маблағларига нисбатан солиштириш зарурияти туғилади. Жорий ликвидли маблағларга нисбатан ҳисобланган таваккалчилик коэффиценти бирдан ортиб, таваккалчилик даражаси корхона учун ўта хавфли эканлигидан дарак беради вазаар миқдорини хусусий капитал билан солиштириш зарурияти туғилади. Юқоридаги учта формулада ҳам таваккалчилик коэффицентлари бирдан кичик ёки teng ( $Kt \leq 1$ ) бўлсагина ҳисобланадиган таваккалчилик мезонига мос келади.

Корхона қанча катта капиталга эгалик қилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги, рентабеллик даражаси ва жорий активлар ликвидлиги юқори бўлса, унинг

<sup>3</sup>Zaynudinov Sh.N. va boshqalar «Tavakkalchilikni boshqarish» O'quv qo'llanma. T.TDIU. 2005 yil. 42 b

таваккалчиликка таъсири шунча кам бўлади ва тадбиркор таваккалчилик вазиятларида қўрқмасдан масалаларни ҳал қилинади.

Корхоналарда молиявий таваккалчиликни турли восита ва усуллари ёрдамида олдини олиш мумкин. Ундан воситага, таваккалчиликдан сақланиш, бошқалар зиммасига ўтказиш, таваккалчилик даражасини пасайтириш киради. Таваккалчиликдан сақланиш-бу таваккалчилик билан боғлиқ ишларни қилишдан воз кечиш демакдир.

Таваккалчилик хатарини бошқа шахс зиммасига ўтказиш-бу инвестор барча хатар учун маъсулиятни ўзини суғурталаш орқали суғурта идораси зиммасига ўтказилади.

Таваккалчилик даражасини пасайтириш-йўқотиш хажми ва содир бўлиш эҳтимолиятини қисқартиришни билдиради.

Инвестор молиявий таваккалчилик хатарини пасайтирувчи аниқ воситаларини танлар экан қуидаги принциплардан келиб чикиши керак:

- ўз маблағидан ортиқ миқдордаги хатар билан таваккалчилик қиласлик керак;
- таваккалчиликхатарини оқибатини ўйлашкерак;
- ўздаромад иштиёқида катта хатарга бормаслик керак.

Биринчи принцип амалгаоширишнинг мазмуни шуки, капитал киритишдан олдин, инвестор:

- максимал даражада кўриши мумкин бўлган зарап хажмини аниқлаши;
- «уни киритиладиган капитал хажми билан таққослаши»;
- уни ўзининг барча хусусий молиявий ресурслари билан таққосланиш агар бу капиталдан ажралиб қолса, банкрот бўлмаслигини аниқлаши керак.

Киритиладиган капиталдан кўритиладиган зарап хажми шу капитал хажмига teng, ёки ундан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин. Тўғридан-тўғри инвестициялашда зарап хажми қоидага кўра венчур капитал хажмига teng бўлади.

Портфел инвестицияда, яъни иккичи бозорда сотилувчи қимматли қоғозларни сотиб олишда, аслида зарап хажми сарфланган капитал суммасидан кам бўлади.

Иккинчи принципни амалга ошириш, инвестор кўриш мумкин бўлган максимал зарап миқдорини бўлган холда, унинг оқибати нимага олиб келишини, таваккалчилик эҳтимоли қандай, таваккалчилик қилишдан воз, кечиш керак-ки, маъсулиятини ўз зиммасига олди-ми ёки бошқа киши зиммасига кўяди-ми аниқланиш лозимлигини талаб этади.

Учинчи принципга амал қилиш, айниқса молиявий таваккалчиликни бошқа шахс зиммасига ўтказишда намоён бўлади. Бу холат шуни англатади-ки, инвестор ўзи учун қулай бўлган суғурта бадали ва суғурта суммаси орасидаги муносабатни аниқлайди.

Суғурта бадали (ёки суғурта мукофоти) - бу амалдаги конун ёки суғурта шартномасига асосан суғурталанувчига суғуртага томонидан суғурта таваккалчилиги учун тўланадиган тўлов.

Лимитлаш-бу лимитлар ўрнатиш, яъни савдо, капитал, харажат суммаларига маълум бир чегара қўйишдир. Чеклашлар, лимитлаш- таваккалчиликни пасайтиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. У банклар томонидан ссудаларнинг берлишида, хўжалик субъектлари томонидан товарларнинг (кредит карточкалари орқали) кредитга сотилишида, инвесторлар томонидан маълум бир миқдор капитални айлантиришда кўлланилади. Молиявий таваккалчиликни суғурталаш унинг даражасини пасайтирувчи кенг тарқалган усуллардан биридир.

Корхонада лойихалар хавф-хатарни камайтиришнинг қуидаги йўллари мавжуд:

1. Хавф-хатарнинг пайдо бўлишидан қочиш;
2. Хавф-хатарнинг таъсирини камайтириш.

Биринчи ҳолатда корхона раҳбари ва ходимлари ўз фаолиятига хавф тугдирадиган ҳар қандай хатарни четлаб ўтишга ҳаракат қиласди.

Иккинчи ҳолатда эса корхона раҳбари ва ходимлари рискнинг субъект ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятига таъсирини (зарарни) пасайтириш чораларини излайди.

Хавф-хатарни камайтиришда корхона унинг таъсирини ўзига олиши, тақсимлаши ёки бошқаларга ўтказиши мумкин.

Рискни ўзига олиш қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

1. Олдиндан режалаштирилган холда заарларни ўлчовчи маҳсус захира жамғармаларини яратиш.

2. Режалаштирилмаган рисқдан кўрилган заарларни фойда ёки активлар ҳисобидан қоплаш.

Олдиндан режалаштирилган захира жамғармаларини яратиш ўзини-ўзи суғурталаш жараёнини англатади. Субъект фавқулодда юз берадиган риск ҳолатлари учун фойдадан ажратма ҳисобига маҳсус жамғарма (риск жамғармаси) яратади. Масалан, йирик корхона субъекти унча қиммат бўлмаган ускунани тасодифий хатарлардан суғурталашни маҳсус суғурта компанияси орқали амалга оширишни маъқул кўрмайди. Ўзини-ўзи суғурталаш зарар эҳтимоли кичик бўлгандагина мақсадга мувофиқ.

Бироқ, захира жамғармаси фойда келтирмайдиган ўлик капитал эканлиги учун, корхона бундай жамғармани қисқартиришга ҳаракат қиласидилар.

Иккинчи ҳолатда, яъни режалаштирилмаган рисқни ўзига олишда корхона риск натижасидаги йўқотишларни фойда ёки активлардан қоплашига тўғри келади. Агар йўқотишлар ҳажми фойдадан катта бўлса, жорий ликвидли активлар ёки хусусий капиталнинг бир қисмидан воз кечишга тўғри келади.

Таваккалчилик хатарларини пасайтириш йўлида корхона ўз капиталларини бирлаштириши, улар ўртасида олинган фойдани ва заарларни бўлиш имконини яратади. Ушбу ҳолат корхонани таваккалчиликдан бутунлай ҳоли қилмайди, лекин унинг хатар даражасини бир мунча пасайтиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда корхоналар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискларни баҳолаш корхоналар молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашда хорижий мамлакатлар тажрибаси мухим хизмат қиласиди деб ўйлаймиз.

Корхонада молиявий таваккалчиликнини бошқариш буйича хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, таваккалчилик таҳлилини бир-бирини тўлдириб турувчи 2 турга булиш мумкин:

1. Сифатли.

2. Микдорли.

Сифатли анализ - нибатан оддий бўлиб, асосий мақсади таваккалчиликни юзага келтирувчи омилларни босқичларини аниқлаш. Таваккалчилик потенциал томонларини ўрганиб, таваккалчилик эҳтимолини аниқлаштиришдир.

Таваккалчиликни микдорий анализини-алоҳида таваккалчилик размерини микдорий аниқлаш ва проект таваккалчилиги - мураккаб муамодир. Проектдаги таваккалчилик даражасини ўсишига таъсир этувчи факторларни шартли равища 2 гурухга бўлиш мумкин:

Объектив факторларга - фирмага боғлиқ бўлмаган факторлардир - бу инфляция рақобатлилик анархия сиёси ва иқтисодий таназзул экология, божхона тўловлари ва х.к.

Субъектив факторлар - фирма фаолиятини характерловчи факторлар - ишлаб чикириш потенциали, техник жихозлаш технологик ситуация даражаси, меҳнатни ташкил этиш, меҳнат унумдорлиги даражаси, техник хавфсизлиги даражаси, инвесторлар билан контракт тилини ташлаш ва х.к.

Таваккалчиликни тақсимланиши - молиявий режа лойиҳаларини ва шартнома хужжатларини тайёрлашда кўлланилади. Таваккалчилик таҳлили каби - лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимланиши сифатли - ва микдорли бўлиши мумкин. Таваккалчиликни лойиҳаларида тақсимланиши учун концептуал сифатли моделдан фойдаланиш тавсия этилади. Модел стандарт методларга асосланган бўлиб, уни асоси «эҳтимоллар ва қарорлар» дарахти бўлиб, қарорларни кетма-кетлигини аниқлашда фойдаланилади. Бу муаммо икки хил характерга эга бўлиб, инвестицион лойиҳага асослангандир. Бунда сотувчи ва харидор, буюртмачи ва бажарувчи мумкин қадар

контракт қийматини камайтиришга интилади, бунда муддат ва сифат бўйича барча талаблар бажарилган бўлиши керак.

Лойихаларни инвестрлаш давомийлиги ва микдорларини ўсиши мураккаблик ва хилма-хиллик, уларни тадбиқ этишда мухитни юқори динамиклиги, рақобатлилик инфляция ва бошқа салбий факторлар- лойихаларни рўёбга чиқаришда - таваккалчилик даражасини ўсишига олиб келади.

Янги «Ноу-хау» технологик жараёни қўлланган лойихани инвесторлашда-инвестор қурилиш тугалланишидаги кафолатларни талаб қилиши мумкин. Ишлаб чиқариш қанчалик кўп ихтисослашувчи жиҳоздан фойдаланса, шунчалик давр талабидан келиб чиққан холда ишлаб чиқариш маромини таъминлайди. Аммо талаб барқарор кескин ўзгарганда у шунчалик қийин унгамослашади. Демак, бунга шунча кўп харажат кетади.

Ўзини оқлаган янги технология импорти ривожланиш соҳасидаги таваккалчиликни пасайтиради, шунингдек у ортиқча фойда қисмини сақлаб қолиш имконини яратади (баҳо таркибидаги таваккалчилик улушини камайтириш ҳисобига), чунки маҳсулот бозорга баҳо эгри чизигини анча юқори нуқтасида эканличидаги нархда боради.

Биз у ёки бу саноат тармоғидаги ишлаб чиқаришга кўп миллатли ва чет эл корхоналарининг инвестицияларини таъсири тўғрисида тўхталмоқчимиз. Маълумки, ишлаб чиқариш кундан-кунга байналминаллашмоқда, асосий капитални жамғариш жараниёда чет эл манбааларининг улушки узлуксиз кўпайиб бормоқда, келгусидаги такилифларни шаклланишида намоён бўлмоқда. Чунки тез суръатларда ривожланаётган соҳаларда корхоналарнинг хусусий даромадлари узоқ муддатли ривожланиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун етарли бўлмайди, биз рақобатдаги корхоналаримизнинг ниятларини уларга берилган имтиёзлар ва йирик давлат дотациялари йўналишларидан аниқлашимиз мумкин бўлади. Қарорлар лойихасини тайёрлашда чоп этилган ривожланган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар башоратларини ўрганиш керак. Лекин бу ерда хам ўзига хос мураккаблик мавжуд. Чунки бу башоратларнинг асосий мақсади давлат ва тадбиркорлар учун асосий иқтисодий қўрсаткичларни шакллантириш тўғрисида (жамоатчилик харажатлари, захиралар холати, шахсий истеъмол, экспорт, импорт, нарх, бандлик, саноат ишлаб чиқариш, иш хақи даражаси ва унинг динамикаси) маълумот беришдан иборатдир.<sup>4</sup>

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш ва сотиш тўғрисидаги тадқиқотларга оид хабарлар каби капитал ва инвестициялар харакати тўғрисида маълумотлардаги ноаниқликлар хам таваккалчиликни бир таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун фойдаланилаётган хабарлардаги ноаниқликнинг бир хиллилиқ хислати жуда мухимdir. Олдиндан баҳоланувчи экзоген маълумотлар ичидаги энг қийин аниқланувчи қўрсатгичлардан бири бу сотишдаги кўзланаётган нарх даражаси ҳисобланади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб айтсак, молиявий таваккалчилик даражасини аниқлаш корхоналар молиявий бошқарувида мухим аҳамият касб этади. Молиявий таваккалчиликларини тўғри баҳолаш учун хавф-хатар билан боғлиқ маълумотларни кўпроқ йиғиш лозим. Бундай маълумотлар қанчалик кўп бўлиши хатар даражасини аниқлашда катта ёрдам беради. Бошқа томондан эса ҳаммага маълумки хавф-хатарларни пасайтиришнинг асосий усуулларидан бири ахборотлаштириш бўлиб ҳисобланади. Корхоналарда моливий менежер молиявий рисқ даражасини ўрганган холда молиявий хавфларни пасайтириш, молиявий хавфлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган молиявий йўқотишларни камайтириш ва умуман олганда молиявий ресурсларни тақсимлаш бўйича самарали қарорлар қабул қилиши кабиларни амалга ошириши мумкин. Шу сабабли бугунги кунда корхоналар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискларни баҳолаш корхоналар молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашда мухим хизмат килади деб ўйлаймиз.

<sup>4</sup>Jorion P. Financial risk manager (FRM) instruction manual. 3rded. – N.Y.: Carli Management Corporation, 2006

Корхоналарда моливий менежер молиявий таваккалчилик даражасини ўрганган ҳолда молиявий хатарларни пасайтириш, молиявий хатарлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган молиявий йўқотишларни камайтириш ва умуман олганда молиявий ресурсларни тақсимлаш бўйича самарали қарорлар қабул қилиши кабиларни амалга ошириши керак. Шу сабабли бугунги кунда корхоналар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган молиявий хатарларни баҳолаш корхоналар молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳимдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони.

2.Zaynutdinov Sh.N. va boshqalar «Tavakkalchilikni boshqarish» O'quv qo'llanma. T.TDIU. 2005 yil. 38 b.

3. Jorion P. Financial risk manager (FRM) instruction manual. 3rded. – N.Y.: Carli Management Corporation, 2006.